# XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI

# QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2022 - yil 21 - fevral VI-52-25-2-41-K/22 Shofirkon tuman hokimligi

## Шофиркон туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 48,3 млрд.сўм, харажатлари 186,0 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 108,7 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадларининг прогнози 1-иловага ва харажатларининг прогнози 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. 2022 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
6. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман маҳаллий бюджетида 2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
8. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9. Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффициентлар 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
10. 2022 йилда мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар
11. 2022 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1,7 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармаси тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

12. 2022 йил учун туманнинг туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 1,4 млрд. сўм этиб белгилансин.
13. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллий бюджетни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари

тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ва бошқа солиқлар;

в) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

14. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Раҳмонов), Молия бўлими (Н.Наимов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) туман ҳокимлиги ва масъул бўлим ва ташкилотлар билан биргаликда:

туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

туман маҳаллий бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

15. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсин.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

16. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов), Кадастр агентлиги туман бўлими (К.Амонов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.
17. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) туман ҳокимлиги билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

18. Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (Ш.Кенжаев) туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.
19. Маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бўлими (А.Қазоқов), туман ҳокимлиги жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ инспекциясига амалий ёрдам кўрсатсин.
20. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов), туман молия бўлими (Н.Наимов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

21. Шофиркон туман Ирригация бўлими (Д.Очилов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) туман ҳокимлиги билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

22. Туман ички ишлар бўлими (Ҳ.Ходжаев), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Ж.Ҳакимов), Давлат хизматлари маркази (Ҳ.Одилов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.
23. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

24. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган

қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириб борилсин.

25. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Раҳмонов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлиги, тегишли бўлим бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

26. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.
27. Мазкур қарор “Шофиркон овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
28. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.
29. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги

зиммасига юклатилсин.

**Сессия раиси** **А.А.Обидов**

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
1-илова

**Бухоро вилояти Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги асосий даромад кўрсаткичлари тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

| № | Даромад тури | Шофиркон тумани | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2021 йил | 2022 йил | Фарқи |
| | **Жами даромадлар** | **48 356 000** | **77 315 042** | **28 959 042** |
| **I.** | **Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад** | **0** | **7 919 200** | **7 919 200** |
| | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 30 905 000 | 39 596 000 | 8 691 000 |
| | ажратма меёри | | *20* | *20* |
| 1. | маҳаллий бюджетга | 0 | 7 919 200 | 7 919 200 |
| | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 3 373 000 | 26 147 000 | 22 774 000 |
| | ажратма меёри | | | *0* |
| 2. | маҳаллий бюджетга | 0 | 0 | 0 |
| **II.** | **Бириктирилган даромадлар** | **33 783 000** | **40 387 000** | **6 604 000** |
| | **Туман ва шаҳарларга бириктирилган** | **14 116 000** | **27 417 000** | **13 301 000** |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 340 000 | 5 704 000 | 5 364 000 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 1 380 000 | 998 000 | -382 000 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 6 972 000 | 10 172 000 | 3 200 000 |
| 4 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда | 959 000 | 5 448 000 | 4 489 000 |
| 5 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 4 456 000 | 5 041 000 | 585 000 |
| 6 | Ижара тўловлари | 9 000 | 54 000 | 45 000 |
| | **Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар** | **19 667 000** | **12 970 000** | **-6 697 000** |
| 1 | Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС) | 4 916 000 | 22 730 000 | 17 814 000 |
| | ажратма меёри | *100* | | *-100* |
| | маҳаллий бюджетга | 4 916 000 | 0 | -4 916 000 |
| 2 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 1 048 000 | 831 000 | -217 000 |
| | ажратма меёри | *100* | | *-100* |
| | маҳаллий бюджетга | 1 048 000 | 0 | -1 048 000 |
| 3 | Юридик шахслар ер солиғи | 4 532 000 | 6 528 804 | 1 996 804 |
| | ажратма меёри | *100* | | *-100* |
| | маҳаллий бюджетга | 4 532 000 | 0 | -4 532 000 |
| 4 | Айланмадан олинадиган солиқ | 4 364 000 | 7 122 000 | 2 758 000 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ажратма меёри | *100* | *100* | *0* |
| | маҳаллий бюджетга | 4 364 000 | 7 122 000 | 2 758 000 |
| 5 | Йиғимлар | 4 807 000 | 5 848 000 | 1 041 000 |
| | ажратма меёри | *100* | *100* | *0* |
| | маҳаллий бюджетга | 4 807 000 | 5 848 000 | 1 041 000 |
| **III.** | **Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)** | **14 573 000** | **29 008 842** | **14 435 842** |
| | *Аҳоли сони (минг киши)* | *177,7* | *179,9* | *2,2* |
| 15. | Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво) | 9 463 000 | 10 978 330 | 1 515 330 |
| 16. | Мобил алоқага акциз солиғи | 5 110 000 | 6 253 909 | 1 143 909 |
| 17 | Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи | | 11 776 603 | 11 776 603 |
| | **ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР** | **138 918 218** | **185 992 919** | **47 074 701** |
| | **ТРАНСФЕРТЛАР** | **90 562 218** | **108 677 877** | **18 115 659** |

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-К/22-сон қарорига
2-илова

# Бухоро вилояти Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2021-2022 йилги асосий харажат кўрсаткичлари тўғрисида

## МАЪЛУМОТ

| Кўрсаткичлар | | Шофиркон тумани | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2021 йил | 2022 йил | Фарқи |
| | **ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ** | **138 918 218** | **185 992 919** | **47 074 701** |
| **1.** | **ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ** | **113 288 493** | **143 861 251** | **30 572 758** |
| | *шу жумладан:* | | | |
| 1.1 | Маориф | 22 434 829 | 27 002 228 | 4 567 399 |
| | - мактабгача таълим | 13 335 364 | 15 329 122 | 1 993 758 |
| | - умумий таълим | 9 099 465 | 11 673 106 | 2 573 641 |
| | - кадрлар тайёрлаш | - | - | - |
| 1.2 | Соғлиқни сақлаш | 56 230 068 | 69 808 126 | 13 578 058 |
| 1.5 | Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар | - | - | - |
| 1.3 | Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари | 4 005 702 | 4 942 915 | 937 213 |
| | - маданият ва оммавий ахборот воситалари | 1 237 849 | 1 573 339 | 335 490 |
| | - спорт | 2 767 853 | 3 369 576 | 601 723 |
| 1.4 | Фан | - | - | - |
| 1.5 | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар | 30 556 448 | 42 027 541 | 11 471 093 |
| 1.6 | Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш | | - | - |
| 1.7 | Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар | | - | - |
| 1.9 | Имтиёзли контингентдаги кишиларни бепул ташиганлик учун троллейбус хўжалигининг зарарини қоплаш | | - | - |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.8 | Тошкент метрополитенида кундузи соат 10:00 дан 16:00 гача бўлган кундузги даврда пенсионерларни бепул ташишда ва бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш | | - | - |
| 1.9 | Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш | | - | - |
| 1.10 | Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва багажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган зарарларни қоплаш шунингдек шаҳар пасажир транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш | | - | - |
| 1.11 | Фуқароларга етказилган зарарни коплаш | - | - | - |
| 1.12 | 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари | - | - | - |
| 1.15 | Ижтимоий кўникма марказлари | 61 446 | 80 441 | 18 995 |
| **2.** | **ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР** | **14 205 191** | **17 909 957** | **3 704 766** |
| | *шу жумладан:* | | | - |
| 2.1 | Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари | 690 467 | 833 511 | 143 044 |
| 2.2 | Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари | - | - | - |
| 2.3 | Ободонлаштириш | 10 878 450 | 12 839 218 | 1 960 768 |
| 2.4 | Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш харажатлари | | - | - |
| 2.5 | Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари | | - | - |
| 2.6 | Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари | | - | - |
| 2.7 | Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш | | - | - |
| 2.8 | "Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси | - | | - |
| 2.9 | Хўжайли ва Чалиш сув йўли техник участкаси | | | - |
| 2.10 | Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар | - | - | - |
| 2.11 | Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 1 525 607 | 1 635 673 | 110 066 |
| 2.12 | Ўрмон хўжалиги ташкилотлари | - | - | - |
| 2.13 | Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари | - | - | - |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2.14 | Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирлар | - | | - |
| 2.15 | Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари | - | - | - |
| 2.16 | Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари | - | - | - |
| 2.17 | Ветеринария қўмитаси | 1 110 667 | 1 311 365 | 200 698 |
| 2.18 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш | - | - | - |
| 2.16 | Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари | | | - |
| 2.19 | Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари | - | - | - |
| 2.20 | Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун | | 1 290 190 | 1 290 190 |
| **3.** | **МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР** | **-** | **-** | **-** |
| **4.** | **ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ** | **5 389 779** | **9 361 016** | **3 971 237** |
| | *шу жумладан:* | | | - |
| 4.1 | Давлат ҳокимият органлари | | | - |
| 4.2 | Давлат бошқарув идоралари | 5 389 779 | 9 361 016 | 3 971 237 |
| **5.** | **ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ** | **4 659 327** | **4 430 513** | **- 228 814** |
| **6.** | **ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ** | **1 375 428** | **1 738 071** | **362 643** |
| **7.** | **Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** | | **8 692 111** | **8 692 111** |
| **8.** | **БОШҚА ХАРАЖАТЛАР** | **-** | **-** | **-** |
| | *шу жумладан:* | | | - |
| 7.1 | Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар | - | - | - |
| 7.2 | Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар | | | - |
| 7.3 | Қабуллар уйини сақлаш харажатлари | - | - | - |
| 7.4 | Адвокатлик хизматлари харажатлари | | - | - |
| 7.5 | Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари | - | - | - |
| | **ЖАМИ ДАРОМАДЛАР** | **48 356 000** | **77 315 042** | **28 959 042** |
| | **ТРАНСФЕРТ** | **90 562 218** | **108 677 877** | **18 115 659** |
| | | 137542790,0 | 175562737,0 | 38019947,0 |

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
3-илова

**Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари**

*фоиз ҳисобида*

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Айланмадан олинадиган солиқ | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи* | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Шофиркон тумани | 0 | 100 | 20 | 100 | 0 | 0 | 100 | 0 | 100 |

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Давлат божи | Жарималар | Йиғимлар | Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма** | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | Хусусийлаш-тириш | Бошқалар*** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Шофиркон тумани | 100 | 100 | 0 | 0 | 0 | 100 | 0 | 0 | 0 |

*Изоҳ:* Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Халқ депутатлари Шофиркон
туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
4-илова

## Туман маҳаллий бюджетининг
## 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

| **Бюджетлар номи** | **Даромад *** | **Харажат** |
|---|---|---|
| Шофиркон тумани | 77 315 042,0 | 185 992 919,0 |

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Шофиркон
туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
5-илова

## Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

| **Шаҳар ва туманлар** | **Тартибга солувчи трансферт миқдори** |
|---|---|
| Шофиркон тумани | 108 677 877,0 |

Халқ депутатлари Шофиркон
туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
6-илова

## Туман маҳаллий бюджетида
## 2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

| Т/рҲудуд номи | Миқдор |
|---|---|
| 1 Шофиркон тумани | 1 380 000,0 |

Халқ депутатлари Шофиркон
туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
7-илова

**Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар**

| Т.Р | МФЙ номи | Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун | |
|---|---|---|---|
| | | Коэффицент миқдори | Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда) |
| | **Шофиркон тумани (кенгаши томонидан тасдиқланган ставка)** | **1,00** | **21 026 000** |
| 1 | Хожа -Ориф мфй | 1,09 | 22 918 340,0 |
| 2 | Шодлик мфй | 1,09 | 22 918 340,0 |
| 3 | Калмакон мфй | 1,09 | 22 918 340,0 |
| 4 | Саврак мфй | 1,09 | 22 918 340,0 |
| 5 | Зарчабек мфй | 1,09 | 22 918 340,0 |
| 6 | Дурмен мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 7 | Султонобод мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 8 | Темирчи мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 9 | Шибиргон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 10 | Денав мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 11 | Кайрагоч мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 12 | Паттахон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 13 | Навбахор мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 14 | Неккиши мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 15 | Махаллақози мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 16 | Хорин мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 17 | Калон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 18 | Жуйрабод мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 19 | Куришкент мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 20 | Доригар мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 21 | Мингчинор мфй | 1,39 | 29 226 140,0 |
| 22 | Тезгузар мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 23 | Бобохайдар мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 24 | Пахтаобод мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 25 | Тинчлик мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 26 | Котиён мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 27 | Хоркаш мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 28 | Бобур мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 29 | Мирзокул мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 30 | Бобо-Ато мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 31 | М.Чандир мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 32 | Читкарон мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 33 | Жушура мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 34 | Арабхона мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 35 | А.Навоий мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 36 | Талисангобод мфй | 0,94 | 19 764 440,0 |
| 37 | Гулистон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 38 | Нурафшон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 39 | Жуйнав мфй | 0,95 | 19 974 700,0 |
| 40 | Талисафед мфй | 0,95 | 19 974 700,0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 41 | Гуломте мфй | 0,95 | 19 974 700,0 |
| 42 | Ш.Рашидов мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 43 | Янгикишлок мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 44 | К.Вардонзе мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 45 | Боғиафзал МФЙ | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 46 | Пашмон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 47 | Жилвон мфй | 0,99 | 20 815 740,0 |
| 48 | Искогаре мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 49 | Чукурак мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |
| 50 | Куйи Чукурак мфй | 0,96 | 20 184 960,0 |

Халқ депутатлари Шофиркон
туман Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-52-25-2-41-K/22-сон қарорига
8-илова

**Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффициентлар**

| Т.Р | МФЙ номи | Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун | |
|---|---|---|---|
| | | Коэффицент миқдори | Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда) |
| | **Шофиркон тумани (Кенгаши томонидан тасдиқланган ставка)** | **1,00** | **181** |
| 1 | Хожа -Ориф мфй | 1,04 | 188,0 |
| 2 | Шодлик мфй | 1,07 | 194,0 |
| 3 | Калмакон мфй | 1,07 | 194,0 |
| 4 | Саврак мфй | 1,07 | 194,0 |
| 5 | Зарчабек мфй | 1,07 | 194,0 |
| 6 | Дурмен мфй | 1,02 | 185,0 |
| 7 | Султонобод мфй | 1,02 | 185,0 |
| 8 | Темирчи мфй | 1,02 | 185,0 |
| 9 | Шибиргон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 10 | Денав мфй | 1,02 | 185,0 |
| 11 | Кайрагоч мфй | 1,02 | 185,0 |
| 12 | Паттахон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 13 | Навбахор мфй | 1,02 | 185,0 |
| 14 | Неккиши мфй | 1,02 | 185,0 |
| 15 | Махаллақози мфй | 1,02 | 185,0 |
| 16 | Хорин мфй | 1,02 | 185,0 |
| 17 | Калон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 18 | Жуйрабод мфй | 1,02 | 185,0 |
| 19 | Куришкент мфй | 1,02 | 185,0 |
| 20 | Доригар мфй | 1,02 | 185,0 |
| 21 | Мингчинор мфй | 1,02 | 185,0 |
| 22 | Тезгузар мфй | 1,02 | 185,0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 23 | Бобохайдар мфй | 1,02 | 185,0 |
| 24 | Пахтаобод мфй | 1,02 | 185,0 |
| 25 | Тинчлик мфй | 1,02 | 185,0 |
| 26 | Котиён мфй | 1,02 | 185,0 |
| 27 | Хоркаш мфй | 1,04 | 188,0 |
| 28 | Бобур мфй | 1,04 | 188,0 |
| 29 | Мирзокул мфй | 1,04 | 188,0 |
| 30 | Бобо-Ато мфй | 1,04 | 188,0 |
| 31 | М.Чандир мфй | 1,02 | 185,0 |
| 32 | Читкарон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 33 | Жушура мфй | 1,02 | 185,0 |
| 34 | Арабхона мфй | 1,02 | 185,0 |
| 35 | А.Навоий мфй | 1,04 | 188,0 |
| 36 | Талисангобод мфй | 1,02 | 185,0 |
| 37 | Гулистон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 38 | Нурафшон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 39 | Жуйнав мфй | 1,02 | 185,0 |
| 40 | Талисафед мфй | 1,02 | 185,0 |
| 41 | Гуломте мфй | 1,02 | 185,0 |
| 42 | Ш.Рашидов мфй | 1,02 | 185,0 |
| 43 | Янгикишлок мфй | 1,02 | 185,0 |
| 44 | К.Вардонзе мфй | 1,02 | 185,0 |
| 45 | Боғиафзал МФЙ | 1,02 | 185,0 |
| 46 | Пашмон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 47 | Жилвон мфй | 1,02 | 185,0 |
| 48 | Искогаре мфй | 1,02 | 185,0 |
| 49 | Чуқурак мфй | 1,02 | 185,0 |
| 50 | Куйи Чукурак мфй | 1,02 | 185,0 |